

4. Gollin J. Key Concepts in ELT. Deductive vs. Inductive Language Learning. // ELT Journal, 1998.
5. Ellis R. The Structural Syllabus and Second Language Acquisition. // TESOL Quarterly, 1993.
6. Lewis M. The Lexical Approach. London; Language Teaching Publications. 1993.
7. Richards J., Rodgers T. Approaches and Methods in Language Teaching. Cambridge, University Press, 1993.
8. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. - М.: Издательский центр «Академия», 2004.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада айрим методик ёндашувларнинг тарихи кўриб чиқилади. Уларнинг чет тилини ўқитишдаги фойдали жihatлари ва нуқсонлари сўз этилади. Глобал гипотезаларда умумлаштириш механизмларини қўллаб умумлаштириш ёндашуви келтирилган. Чет тилини ўқитишда энг фойдали ёндашув талабаларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга ёрдам бериши кераклиги хулоса қилиб келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история некоторых методических подходов, а также описываются их положительные и негативные качества в обучении иностранному языку. Приводятся подходы к описанию механизмов обобщения в «глобальных гипотезах». Сделан вывод, что самым актуальным является использование такого подхода в обучении иностранному языку, который бы удовлетворял современные требования, в формировании коммуникативной компетенции обучаемых, используя языковые средства.

SUMMARY

The authors of the article consider the history of some methodical approaches, and describe their advantages and disadvantages in teaching a foreign language. Approaches to describe mechanisms of generalization in “global hypothesis” are given, in conclusion it is stated that the most effective approach in teaching a foreign language, should meet modern demands for developing communicative competence of learners.

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА НОСТАНДАРТ ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Р.А.Ешмуратов - биология фанлари номзоди

И.А.Сапарниязов - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: тест, ностандарт тест, биология, зоология, ўзлаштириш, билим, кўникма, малака, самарадорлик, баҳолаш, назорат.

Ключевые слова: тест, нестандартный тест, биология, зоология, разработка, знание, способность, квалификация, эффективность, оценка, контроль.

Key words: test, nonstandard test, Biology, Zoology, process in studies, knowledge, ability, qualification, effectiveness, evaluation, observation.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда ижобий ишлар қилинди, шунингдек, таълим соҳасида ҳам таълим-тарбия жараёни самарадорлигини орттириш борасида салмоқли ишлар олиб борилди. Хусусан, олийгоҳларга талабаларни тест (инглизча сўздан олинган бўлиб, test-синаш, бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлар) орқали қабул қилишнинг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди [3:165]. Бу борада дастлаб ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, мамлакатимизнинг олий таълим муассаса-ларига қабул жараёнилари тест асосида амалга оширилмоқда. Бу жараён самарадорлиги юқори бўлганлиги сабабли ҳозирги кунгача такомиллаштирилиб, қўлланилиб келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида талабаларнинг фанларни ўзлаштириши мобайнида билим, малака ва кўникмаларини назорат қилишда кўп вариантли тест саволларидан фойдаланиш, айниқса ностандарт тест саволларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланилиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади [1:26].

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра интегратив, адаптив, мезонли-мўлжал олиш гуруҳларига бўлиниб, интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган, автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндашиш имконини берадиган, умумий тайёргарлик даражаси, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади [4:131].

Фан юзасидан талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш, назорат қилиш, баҳолаш жараёнининг кенг қамровли ва мунтазамлигини таъминлаш мақсадида ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини баҳолаш ва назорат қилишда юқори самара беради. Шу билан бирга талабаларни мавзулар юзасидан кенг қамровли муҳокама қилишга, ўйланишга ва аниқ бир тўхтамга келиб қарор қабул қилишига олиб келади.

Қуйида мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида биология мутахассисликлари тайёрлайдиган биология йўналиши талабалари учун ўқитиладиган зоология (умуртқалилар) фанидан ностандарт тестлар учун намуналар келтириб ўтамыз.

Маълумки, зоология фанини ўрганиш орқали талабалар ер юзидаги барча ҳайвонлар турларининг кўпайишини, тарқалишини, систематикасини, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини билиб олиш билан бирга, уларнинг озик-овқат, кийим-кечак, санитар-гигиеник, экологик ҳамда иқтисодий жабҳалардаги масалаларини ечишдаги ролини ҳам тушуниб

етадилар [2:5]. Шунингдек, уларда ватан-парварлик, меҳнатсеварлик туйғусини, ватанга ва табиатга меҳр-муҳаббат, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникма ва малакалари ривожлантирилиб борилади. Қуйида келтирилган ностандарт тестларда ҳам ана шулар ҳисобга олинди.

1. Текшириш объектига кўра биология фанлари соҳаларини уларнинг таърифи билан жуфтланг?

1	Зоология	A	Организмларда органлар тузилишини.
2	Анатомия	B	Организмлар муртак ривожланишини
3	Эмбриология	C	Организмлар органлар функцияларини ўрганади
4	Физиология	D	Ҳайвонларни ўрганади.
Жавоб:		1-	2 - 3 - 4-

2. Келтирилган фан соҳаларини тадқиқот объектига қараб мос гуруҳлари билан жуфтланг.

1	Этиология	A	Сут эмизувчиларни ўрганади.
2	Териология	B	Балиқларни ўрганади.
3	Ихтиология	C	Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатини ўрганади.
Жавоб:		1-	2 - 3 -

3. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри? Тегишли катакчаларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб ёзилади.

A. Халталилар туркуми вакиллариининг ўлчами 4 см дан 1,6-2 метргача боради.

B. Китсимонлар туркуми вакиллари куракоёқлиларга нисбатан ҳақиқий денгиз ҳайвонлари бўлиб, ҳаётини фақат сувда ўтказади, куруқликка чиқиб қолса ҳалок бўлади.

C. Куракоёқлилар ҳақиқий денгиз ҳайвонлари бўлиб, ҳаётини фақат сувда ўтказади, куруқликка чиқиб қолса ҳалок бўлади.

Жавоб:

A	B	C	D	E	F

D. Дельфинлар вакиллариининг узунлиги 1 метрдан 10 метргача боради, дунё океанларининг илиқ сувларида яшайди, нерв системаси кучли ривожланган, тутқунликда яхши яшайди.

E. Жирафаларнинг териси узун жунлар билан қопланган, шохлари ҳар йили алмашиб тўради.

F. Кемирувчилар қозик тишлари икки жуфт бўлиб ўсимликнинг қаттиқ қисмини ейиш учун хизмат қилади.

4. Қушларни ҳаёт кечирадиган жойининг хусусиятига қараб экологик гуруҳлари билан жуфтланг ва рақамларга мос ҳарфларни ёзинг.

1	Бутазор қушлари	A	Лайлак, турна, қарқара, қизилоёқ, ботқоқ товуқчалари
2	Ботқоқ қушлари	B	Туяқуш, тувалоқ, тўрғай, булдуруқ
3	Чўл-саҳро қушлари	C	Чўғурчиқ, шақшақ, каптар, қарқур, қизилиштон
Жавоб:		1-	2 - 3 -


5. Сут эмизувчилар синфи халталилар ва ҳашаротхўрлар туркуми мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

1) Опоосум; 3) Ерқазар; 5) Вихухол; 7) Коала; 2) Халтали крот; 4) Африка сакровчиси; 6) Халтали бўри; 8) Тенрек; 9) Халтали пакана тийин; 10) Гигант кенгуру; 11) Крот; 12) Бандикут; 13) Типратикан.

Ҳайвонларнинг номи	Жавоб рақамлар
Халталилар	
Ҳашаротхўрлар	

6. Сут эмизувчиларда нафас олиш органлари кетма кетлигини ёзинг.

1) ҳиқилдоқ; 2) ташки бурун тешиги; 3) бронх; 4) алвеола; 5) ўпка; 6) трахея



7. Куйидаги сут эмизувчи хайвонларнинг қайси туркумга киришини аниқланг ва жадвалдаги ҳар бир расмнинг тагидаги бўш катакчага мос рақамни қўйинг.

1) кемирувчилар; 2) йиртқичлар; 3) приматлар.



8. Куйида келтирилган сут эмизувчилар туркумларининг тегишли вакиллари топинг ва рақамларга мос ҳарфларни ёзинг.

1	Тухум қўювчилар	A	Кенгуру, Коала			
2	Халталилар	B	Жайра, Юмронқозик			
3	Ҳашаротхўрлар	C	Осиё кенгқулоғи, Кўршапалак			
4	Қўлқанотлилар	D	Ерқазар, Вихухол			
5	Кемирувчилар	E	Ўрдақбурун, Ехидна			
Жавоб:		1-	2 -	3 -	4-	5-

Бундан ташқари талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тестлар тузишда расмни, кўп жавобли, жадвалли кўринишдаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Шундай экан, талабалар ўзлаштириш даража

-сини ностандарт тестлар орқали назорат қилиш уларни мавзулар юзасидан кенг қамровли мулоҳаза юритишга ундайди, бу эса келажакда уларнинг ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлишига замин яратади.

Адабиётлар

1. Толипова Ж.О. Педагогик квалиметрия. ТДПУ. 2015.
2. Лаханов Ж.Л. Умurtқалилар зоологияси. -Т.: 2005.
3. Хасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Хайдаров М.Э., Хасанбаева О.У. Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Т.: «Фан», 2006.
4. Толипова Ж.О. “Олий таълимда биология фанларини ўқитиш методикаси” ТДПУ, 2016.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада биология фанларини ўқитиш мобайнида талабалар ўзлаштириш даражасини назорат қилишда ностандарт тестлардан фойдаланиш ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается использование нестандартных тестов в контроле знаний студентов в учебном процессе по предметам биологии.

SUMMARY

The article deals with the issues of using nonstandard test, for the control and assessment of students' knowledge in the studying process in some subjects in Biology.